**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Фарғона давлат университети ректори,**
**профессор Б.Шермуҳаммадов**

**“_____” январь 2023 йил**

# Фарғона давлат университетида 2023 йилда таълим сифатини ошириш ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш бўйича
# ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Таълим сифатини ошириш соҳасида** | | | | |
| 1. | Университет профессор-ўқитувчи ва ходимлари ўртасида олий таълим тизимидаги ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш | 1. Ҳар бир факультетга проректорлар ва тегишли бўлим бошлиқларини масъул сифатида бириктириш.<br>2. Бириктирилган масъуллар иштирокида семинарлар, суҳбатлар ташкиллаш.<br>3. Ҳар бир факультетнинг бугунги ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, олдинда турган вазифаларини аниқ белгилаш, ижросини амалга ошириш чоралари кўриш. | 2023 йил, январь<br><br>Ҳар чоракда бир марта<br><br>Режага асосан | Университет ректори<br><br>Соҳа проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари<br><br>Соҳа проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 2. | “Биология”, “Кимё”, “Физика” бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари моддий- | 1. Университетнинг биология ва кимё йўналишлари бўйича мавжуд лабораторияларини инвентаризациядан ўтказиш. | 2023 йил, февраль | Соҳа проректорлари, табиий фанлар факультети декани, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | техник базасини янада ривожлантириш ҳамда мавжуд лабораториялардан вилоятдаги ушбу йўналишларга ихтисослашган умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда фойдаланишни ташкил этиш | 2. Маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклиф киритиш.<br>3. Биология ва кимё йўналишлари бўйича лаборатория жиҳозлари сотиб олиш ва замонавий лабораториялар ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.<br>4. Мавжуд лабораториялар базасидан вилоятдаги кимё ва биология фанларига ихтисослашган умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларини тизимли фойдаланишлари юзасидан вилоят Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорлик шартномаси имзолаш ва ижросини йўлга қўйиш. | 2023 йил, февраль<br>2023 йил, февраль<br>2023 йил, март, доимий | тегишли кафедра мудирлари |
| 3. | Санъатшунослик факультети санъат соҳаси таълим йўналишларида мутахассислик фанларидан якка тартибда дарслар олиб бориш имкониятларини кенгайтириш | 1. 2023 йилда санъатшунослик факультети ўқув биносини тўлиқ капитал таъмирлаш орқали факультет ўқув аудиториялари сонини ошириш.<br>2. Санъатшунослик факультети моддий-техник базасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чораларини кўриш. | 2023 йил, март, август<br>2023 йил, апрель-май | Соҳа проректорлари, санъатшунослик факультети декани, тегишли кафедра мудирлари |
| | Сиртқи таълимда ўқув жараёнини ташкиллаш, унинг ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш | 1. Сиртқи бўлим фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш.<br>2. Ишчи гуруҳ томонидан сиртқи бўлимда таълим-тарбия жараёни, илмий тадқиқотларнинг ташкилланиши, талабаларнинг ўқиш ва мустақил | 2023 йил, апрель<br>2023 йил, март-апрель | Соҳа проректорлари, сиртқи бўлим бошлиғи, тегишли кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ишлашлари яратилган шароитларни атрофлича ўрганиш.<br>3. Ўрганиш натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ манзилли “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва ижросини ўзи муддатида бажарилишини таъминлаш | 2023 йил, апрель, “Йўл харитаси”да белгилангн муддатларда | |
| 4. | Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув режаларида илғор хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида мустақил таълим соатлари улушини ошириш (бакалавриат таълим йўналишларида 60 фоизгача, магистратура мутахассисликларида 70 фоизгача) орқали профессор-ўқитувчилар ўқув юкламаларини оптималлаштириш ҳамда талабаларда билимларни мустакил ўзлаштириш кўникмаларини ривожлантириш | 1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида мустақил таълим улуши босқичма-босқич ошириш.<br>2. Профессор-ўқитувчилар ўқув юкламаларини оптималлаштириш мақсадида “Университетнинг вақт меъёрлари”ни ишлаб чиқиш. | 2022-2023 ўқув йилидан<br><br>2023 йил, сентябрь | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 5. | Фан дастурларида соҳага оид инновацион ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ҳамда ресурс | 1. Университет ўқув ва фан дастурларини таҳлил қилиш мақсадида тажрибали эксперт гуруҳларини шакллантириш. | 2023 йил, май | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | тежайдиган илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш, таълимнинг барча босқичларидаги фан дастурларини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш | 2. Барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича фан дастурларини таҳлил этиш.<br>3. Фан дастурларида соҳага оид инновацион ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнларига оид илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш. | 2022-2023 ўқув йилидан<br><br>Доимий | бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 6. | Талабаларнинг мустақил таълим олишларини чуқурлаштириш, уларда таҳлилий фикрлаш, мукаммал касбий кўникмаларини шакллантириш, талабаларни етакчи амалиёт объектларига бириктириш, шунингдек, уларни ривожлантиришни таъминлайдиган ўқув режалари ва дастурлари ўқув-услубий таъминотининг янги авлодини яратиш, илмий-амалий мазмунини кучайтириш | 1. Барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малакавий амалиёт объектларини қайта кўриб чиқиш, улар билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш.<br>2. Мавжуд фан дастурларини таҳлил этиш этиш орқали замонавий ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.<br>3. Ўрганиш натижалари асосида университетда ўқув адабиётлари яратишнинг қисқа ва узоқ муддатли режасини шакллантириш.<br>4. Ўқув адабиётлари яратиш режасини шакллантиришда замонавий хорижий адабиётларни таржима қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш. | 2022-2023 йилларда<br><br>2022-2023 ўқув йилидан<br><br>2022-2023 ўқув йилидан<br><br>Доимий | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 7. | Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта ишлаб чиқишда талабаларнинг | 1. Кафедраларда эксперт гуруҳларини ташкил этиш орқали мустақил таълим мазмуни, шакл ва усулларини қайта кўриб чиқиш. | 2022-2023 ўқув йилидан | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | мустақил таълим олиши шакллари ва усулларини такомиллаштириш, ўқув режаларида номутахассислик фанларини миқдорини камайтириш ҳамда туташликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш орқали фанлар сонини қисқартириш. | 2. Ўқув режаларини таҳлил этиш орқали номутахассислик фанлари улушини 15 % гача қисқартириш.<br>3. Танлов фанлари таркибини қайта кўриб чиқиб, иш берувчилар талаб ва эҳтиёжлари ҳамда талабаларнинг таклифлари асосида шакллантириш. | 2022-2023 ўқув йилидан<br><br>Доимий | |
| 8. | Хорижий тилларни ўқитиш соҳасига малакали кадрларни жалб қилиш ва соҳа мутахассисларининг салоҳиятини ошириш | 1. Хорижий тилларни ўқитиш соҳасига малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида мутахассис ўқитувчиларнинг сертификатни олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ва устама тўлаш.<br>2. Хорижий тиллар ўқитувчилари томонидан адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун қўшимча маблағ ажратиш.<br>3. Соҳа мутахассисларининг салоҳиятини ошириш мақсадида чет элнинг нуфузли олийгоҳларига малака ошириш ва стажировкага жўнатиш | Доимий<br><br>Доимий<br><br>Доимий | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, таълим сифатини назорат қилиш бўлими, кафедра мудирлари |
| 9. | Хорижий тилларни ўқитиш ҳамда бу соҳа бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда таълим сифатини тубдан ошириш, битирувчилар томонидан давлат аттестация | 1. Хорижий тилларни ўқитиш ҳамда бу соҳа бўйича етук мутахассисларни тайёрлашда таълим сифатини тубдан ошириш йўриқномасини ишлаб чиқиш. | 2023 йил, февраль<br><br>2023 йил, май-июнь | Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, тегишли факультет деканлари, кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | имтиҳонларини топшириш билан бир қаторда миллий ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимлари орқали уларнинг билимлари даражасини аниқлаш амалиёти йўлга қўйиш | 2. Битирувчи курслар учун давлат аттестация имтиҳонларида халқаро тил билиш сертификатларини инобатга олиш.<br>3. Давлат аттестация имтиҳонларини ташкиллаш билан бир қаторда миллий ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини инобатга олиш | 2023 йил, май-июнь | |
| 10. | Халқаро ва маҳаллий мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий методикалар асосида ўқитувчилар малакасини ошириш | 1. Университет ҳузуридаги минтақавий марказга малака ошириш муассасаларига чет тили, аниқ ва табиий фанлар бўйича малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш.<br>2. Университет ҳузуридаги минтақавий марказ, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг малакали ходимлари ҳамда хорижий мутахассислардан иборат бўлган тренерлар гуруҳларини шакллантириш.<br>3. Тренерлар гуруҳлари томонидан жойларга чиққан ҳолда педагог кадрларнинг билим ва маҳоратини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаси бўйича аниқланган бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган ҳамда илғор методикаларга асосланган сайёр ўқув машғулот ва семинар-тренинглар ўтказилишини таъминлаш. | Йил давомида<br>2023 йил, февраль<br>2023 йил, март | Ўқув ишлари бўйича проректор, минтақавий марказ директори |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 11. | Битирувчиларни ишга жойлаштириш, талабалар амалиётини уларнинг бўлажак иш жойларида ташкил этиш, талабаларнинг тегишли соҳалар бўйича ташкилотларда таълим жараёнидан ташқари вақтда меҳнат фаолияти олиб боришларига шарт-шароит яратиш | 1. Малакавий амалиёт объектларини талабаларнинг таклифлари асосида қайта кўриб чиқиш ва уч томонлама (ректор – иш берувчи – талаба) шартномалар имзолаш.<br>2. Талабаларнинг амалиётларини ҳафтанинг 2 кунида (4+2) бўлажак иш жойларида ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш. | Доимий<br><br>2022-2023 ўқув йилидан | Ўқув ишлари бўйича проректор, маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими, кафедра мудирлари |
| 12. | Умумий ўрта таълимда чет тиллари, информатика, математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш | 1. Университет мавжуд моддий-техник базаси, ўқув ва илмий лабораторияларидан бириктирилган умумтаълим мактаблари юқори курс ўқувчиларининг алоҳида жадвал асосида фойдаланишларини йўлга қўйиш.<br>2. Тегишли кафедраларнинг 2023 йил учун адабиётлар тайёрлаш режасига чет тиллари, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларига ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари учун ушбу фанларни ўқитишнинг янги педагогик технологияларига бағишланган ҳамкорликда ўқув-услубий адабиётлар яратишни киритиш.<br>3. Бириктирилган ИДУМларнинг фан тўгаракларига шартнома асосида иқтидорли талабаларни жалб этиш. | Доимий<br><br>2023 йилдан<br><br>Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар ҳамда ўқув ишлари бўйича проректорлар, тегишли кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида кимё ва биология фанлари бўйича кўп босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – олий таълим муассасаси) олимпиада ташкил этиш ва 1,3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларни университет маблағлари ҳисобидан имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш юзасидан университет Кузатув кенгашига таклиф киритиш. | 2023 йил, апрель | |
| 13. | Мавжуд барча ўқув аудиториялари, ўқув ва илмий лабораторияларни кузатув камералари билан жиҳозлаш | 1. Мавжуд аудиториялар, ўқув ва илмий лабораторияларнинг кузатув камералари билан жиҳозланганлик даражасини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш асосида аудиториялар, ўқув ва илмий лабораторияларни босқичма-босқич кузатув камералари билан таъминлаб боришни амалга ошириш. | 2023 йил, март<br><br>2022-2023 ўқув йилида | Молия-иқтисодиёт ва ўқув ишлари бўйича проректорлар, рақамли таълим технологиялари маркази бошлиғи |
| 14. | Ўқув лабораторияларини моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш бориш. | 1. Мавжуд ўқув лабораторияларини қайта инвентаризация қилиш.<br>2. Замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш | 2023 йил, апрель-май<br><br>2023-2025 йиллар | Молия-иқтисодиёт ва ўқув ишлари бўйича проректорлар, тегишли кафедра мудирлари |
| 15. | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фанлардан замонавий маҳаллий | 1. Кафедралар билан ҳамкорликда замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар ҳамда даврий нашрлар рўйхатини шакллантириш. | 2023 йил, май ва доимий | Ўқув ишлари бўйича проректор, ахборот-ресурс маркази |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ва хорижий адабиётлар ҳамда даврий нашрларни харид қилиш. | 2. Ҳар йили университет ахборот-ресурс марказига замонавий маҳаллий, хорижий ўқув адабиётларини сотиб олиш йиллик режасини ишлаб чиқиш. | Ҳар йили январь ойида | раҳбари, кафедра мудирлари |
| 16. | Кафедралар режаси асосида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш | 1. Кафедралар илмий-тадқиқот йўналишларини ҳудуд билан боғлиқ муаммоларга мувофиқлаштириш<br>2. Илмий ишлар самарадорлиги ошишини статистик маълумотлар асосида кузатиб бориш ва таҳлил қилиш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 17. | Кафедраларнинг йил давомида амалга оширган илмий-тадқиқот ишлари мониторингини олиб бориш ва статистик таҳлил қилиш | Университет бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини kpi.fdu.uz платформаси ёрдамида кузатиб ва орқада қолаётган кафедралар билан натижаларни оширилиши учун лозим бўлган ишларни белгилаш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 18. | Докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар илмий фаолияти мониторингини олиб бориш | 1. Докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчилар илмий фаолиятини самарали ташкил этиш учун семинарлар, курслар, вебинарлар ташкил этиш.<br>2. 1-босқич таянч докторант ва докторантларнинг B2 ва C1 даражадаги сертификатга эга бўлишларини таъминлаш бўйича қўшимча ўқув курслари ташкил этиш.<br>2. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институти битирувчилари самарадорлигини таъминлаш учун улар билан суҳбатларни ташкиллаш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 19. | Талабаларнинг таълим йўналишлари бўйича иқтидорлиларини аниқлаш ва илмий-тадқиқот ишларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-анжуманлар, танловлар ва инновацион кўргазмаларда иштирок этишларида кўмаклашиш. | 1. Иқтидорли талабалар илмий фаолиятини самарали ташкил этиш учун илмий ишлар ва инновациялар бўйича декан ўринбосарлари билан биргаликда иқтидорли талабаларни танлаш, уларни салоҳиятли профессор-ўқитувчиларга бириктириш.<br>2. Магистрантлар учун университет ички номдор стипендияларини жорий этиш. | Доимий<br><br>2023/2024 ўқув йилидан | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 20. | Иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларни шуғулланиши ҳамда кафедралар қошида ташкил этилган фан тўгаракларда доимий иштирокини назорат қилиб бориш. | Иқтидорли талабалар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун талабаларни қизиқишларга қараб турли хил тўгараклар ташкил этиш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 21. | Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳа вакиллари иштирокида кафедраларда эришилган илмий-тадқиқот натижаларини кенг тарғиб этишга қаратилган илмий-амалий семинар ташкиллаш ва ўтказиш. Халқаро, республика ва вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуманларни юқори савияда ўтказиш | 1. Вазирликнинг тегишли буйруғи асосида халқаро, республика ва вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуманларни юқори савияда ўтказиш юзасидан амалий чоралар кўриш.<br>2. Анжуманларни ўз муддатида самарали ташкил этиш. | Режага мувофиқ<br><br>Белгиланган муддатларда | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 22. | Университетда тайёрланган илмий-инновацион лойиҳалар бажарилишини таҳлил қилиш ва молиялаштириш ишларини ташкиллашда лойиҳа раҳбари ва ижрочиларга амалий ёрдам кўрсатиб бориш | Илмий-инновацион лойиҳалар бажарилиш самарадорлигини ошириш учун профессор-ўқитувчиларга семинар-тренинглар ташкил этиш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| | Университетда илмий-тадқиқотлар соҳасида эришилган ютуқларни ОАВ орқали кенг ёритиб бориш | Амалга оширилган ишлар билан кенг жамоатчиликни таништириб бориш учун матбуот котиби ва ОАВ вакиллари билан интервюлар ташкиллаш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 23. | Тадқиқотчилар учун чет тили ва мутахассислик фанларидан малакавий имтиҳонларни мувофиқлаштириш | Тадқиқотчиларнинг докторлик диссертацияларини жадаллаштиришга кўмаклашиш учун кафедраларда малакавий имтиҳонларни сифатли ташкиллаш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 24. | Талабалар республика фан олимпиадасининг II-босқичини сифатли ўтказилишини ташкилий чораларини кўриш ҳамда фан олимпиадасининг II-босқичи бўйича тайёрланган ҳисоботини вазирликга белгиланган муддатда тақдим этиш | Умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича талабалар республика фан олимпиадасининг II босқичи белгиланган тартибда сифатли ўтказилишини таъминлаш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 25. | Кафедралар қошидаги илмий семинарлар фаолиятини жадаллаштириш | Кафедралардаги илмий семинарларда бажарилаётган илмий тадқиқотларни муҳокамадан мунтазам равишда ўтказиб бориш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 26. | Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Давлат стипендиялари ҳамда Университет номдор стипендияларига тавсия этилган иқтидорли талабаларнинг 1-босқич имтиҳонларини ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш | Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳамда Давлат стипендиялари танловларига муносиб номзодлар ҳужжатларини саралаб олиш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, тегишли бўлим бошлиқлари, факультет деканлари |
| 27. | “ФарДУ. Илмий хабарлар” илмий журнали нуфузини ошириш | Журнал таҳририят кенгашида халқаро экспертлар кўламини кенгайтириш. Интернетдаги сайтини доимий янгилаб бориш. Иқтидорли ёшлар, хусусан, талабаларнинг илмий ишлари натижаларини эълон қилинишига эришиш. | Доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари, факультет деканлари |
| 28. | Самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари – KPI асосида университет раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятини ҳар ўқув йили натижаси бўйича баҳолаш тизимини йўлга қўйиш | 1. Университетда раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари – KPI тизимини ишлаб чиқиш ва унинг марказлашган электрон платформасини яратиш.<br>2. KPI тизими асосида университет раҳбар ходимлари фаолиятини ҳар ўқув йили | 2023 йил августдан<br><br>Доимий | Университет ректори, соҳа проректорлари, жамоат ташкилотлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | натижаси бўйича баҳолаб боришни жорий этиш. | | |
| 29. | Нуфузли халқаро олий таълим муассасаларидан ва илмий тадқиқот институтларидан профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар жалб қилиш механизмини янада кучайтириш | 1. Кафедралар билан биргаликда таклиф этиладиган хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари рўйхатини ва муддатларини шакллантириш.<br>2. Хориж олий таълим муассасалари ва хорижий профессор-ўқитувчилар билан музокаралар олиб бориш, зарурий расмий ҳужжатларни ташкиллаш.<br>Университетда ўқув машғулотларни олиб бориш учун 50 нафардан ортиқ хориж профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш. | 2023 йил давомида<br><br>2023 йил давомида<br><br>2023 йил давомида | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, кафедра мудирлари, бўлим бошлиғи<br><br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи кафедра мудирлари |
| 30. | Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида университет етакчи профессор-ўқитувчиларини ўқув машғулотлари (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар-тренинглар) олиб боришларини ташкиллаш | 1. Дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, университет профессор-ўқитувчиларининг мазкур олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини олиб бориш бўйича музокаралар олиб бориш.<br>2. Хорижий олий таълим муассасаларида университет етакчи профессор-ўқитувчиларини ўқув машғулотлари олиб боришлари учун зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш. | 2023 йил давомида<br><br>2023 йил давомида | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи кафедра мудирлари<br><br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 31. | Университетнинг ёш олимлари ва мутахассисларини жаҳоннинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида малака ошириш ва стажировкага юбориш бўйича танловларда, жумладан, “Эл-юрт умиди” танловларида иштирокини таъминлаш | 1. Университетнинг ёш олимлари ва мутахассисларини жаҳоннинг етакчи хорижий олий таълим муассасаларида малака ошириш ҳамда стажировкага юбориш бўйича танловлар ҳақида маълумотларнинг доимий тарзда тарғибот-ташвиқотини ташкил этиш.<br>2. Хорижий тилларни биладиган, хорижда малака оширишга, стажировкадан ўтишга лаёқати бор ёш олим ва мутахассисларни саралаш ҳамда уларнинг базасини шакллантириш.<br>3. 100 нафардан ортиқ ёш олим ва мутахассисларни хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш.<br>4. Танловларда, хусусан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловларида қатнашиш жараёнида, ҳужжатлар тайёрлашларида университетнинг ёш олимлари ва мутахассисларини йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш. | 2023 йил давомида<br>2023 йил давомида<br>2023 йил давомида<br>2023 йил давомида | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 32. | Хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари билан университет ўртасида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлар | 1. Университетнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари билан университет ўртасида бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастури йўналишларини аниқлаш. | 2023 йил давомида | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш | 2. Аниқланган таълим йўналиши буйича тегишли факультет ва кафедралар билан биргаликда хорижий олий таълим муассасалри билан музокаралар олиб бориш. | Мунтазам | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 33. | Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, ҳаммуаллифликда илмий мақолалар, монографиялар чоп этиш ва ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш | 1. Хорижий олий таълим муассасаларида бўладиган халқаро илмий-амалий анжуманлар ҳақидаги маълумотларни университет профессор-ўқитувчилари орасида тарқатиш.<br>2. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, ҳаммуаллифликда илмий мақолалар, монографиялар чоп этиш ва ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан музокаралар олиб бориш. | Келишилган муддатларда<br>Мунтазам | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, тегишли бўлим бошлиқлари, кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, тегишли бўлим бошлиқлари, кафедра мудирлари |
| 34. | Университетида таҳсил олаётган хорижий талабалар сонини мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда хорижий олий таълим муассасалари билан талабалар академик алмашинувини фаоллаштириш | 1. Хорижий абитуриентлар орасида университетда таҳсил олишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш.<br>2. Университет талабалари орасида хорижий олий таълим муассасаларида академик алмашинув асосида таҳсил олиш ҳақида маълумотлар бериш ва ушбу дастурга тарғиб этиш.<br>3. Хорижий олий таълим муассасалари талабалари учун университетнинг талабалар академик алмашинуви борасидаги жозибадорлигини ошириш мақсадида | 2023 йил давомида<br>2023 йил давомида<br>Келшилган муддатларда | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари<br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | университет расмий вэб-сайтига тегишли маълумотларни ва видео-роликларни жойлаш. | | бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари, медиа марказ |
| 35. | Кафедра профессор-ўқитувчиларини хорижий таълим ташкилотлари томонидан эълон қилинаётган грантлар ва лойиҳалардаги иштирокини йўлга қўйиш, жумладан, Европа Иттифоқининг “Эрасмус+” дастури доирасида грантларини жалб қилиш бўйича амалий ишларни ташкил қилиш | 1. Кафедра профессор-ўқитувчиларига хорижий таълим ташкилотлари томонидан эълон қилинаётган грантлар, жумладан, Европа Иттифоқининг “Эрасмус+” дастури ҳақида маълумотлар, тушунчалар бериш ҳамда семинар-тренинглар ва мастер класслар ташкил этиш.<br>2. Танловларда талаб этиладиган ҳужжатлар йиғма-жилди, яъни ариза топшириш, уларда катнашиш жараёнларида зарурий расмий хужжатлар билан таъминлаш, йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш. | Режа асосида<br><br>Режа асосида | Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари<br><br>Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари |
| 36. | Спорт-соғломлаштириш мажмуаси иккинчи қаватига енгил конструкцияли 300 ўринга мўлжалланган қўшимча жой қуриш ҳисобига ўқув жараёни ташкил этиладиган майдонларни кенгайтириш | 1. Бинони реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ўқув биноси қуриш ишларини ташкил этиш . | 2023 йил, февраль<br><br>2023 йил, апрель | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, режа-молия бўлими, бош инженер |
| 37. | Фарғона шаҳри Юксалиш кўчаси 55-уйда жойлашган санъатшунослик факультети ҳудудида 1200 ўринга мўлжалланган янги ўқув | Қурилаётган янги ўқув биносини замонавий АКТ ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш. | 2023 йил, апрель-май | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, режа- молия бўлими, бош ҳисобчи |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | биносини қурилишини якунлаш ва жиҳозлаш | | | |
| 38. | Университетнинг ўз маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги талабалар тураржойи биноларини қуриш асосида талабаларни тураржой билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш | 1. Ал-Фарғоний кўчасида ДХШ асосида қурилаётган 2 та 402 ўринли талабалар турар жойи қуриш ишларини якунлаш.<br>2. 4-ТТЖ ҳудудида университет маблағлари ҳисобидан қурилаётган 240 ўринли талабалар турар жойи қуриш ишларини якунлаш.<br>3. А.Қодирий кўчаси 104-А уйда жойлашган 12-қув биноси ҳудудида янги 640 ўринли талабалар турар жйи қуриш. | 2023 йил апрель<br><br>2023 йил март<br><br>2023 йил давомида | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, режа- молия бўлими, бош инженер |
| 39. | Таълим жараёнини рақамлаштириш бўйича аудиторияларни тўлиқ АКТ қурилмалари билан жихозланишини таъминлаш. | 1. Ўқув жараёнида АКТ қурилмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириши мақсадида 10 та интерактив панел, 100 та замонавий компьютер, 20 та видеопроектор қурилмалари сотиб олиш.<br>2. Ўқув аудиторияларини интернет тармоғи ҳамда видеокузатув қурилмалари билан таъминлаш чораларини кўриш. | 2023 йил давомида | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, режа- молия бўлими, бош ҳисобчи, РТТМ бошлиғи |
| 40. | Университет ҳудудлари ҳамда ўқув аудиторияларини видеокузатув мосламалари билан таъминлаш орқали назорат механизмлари самарадорлигини ошириш. | Ҳудудлардаги асосий ҳаракат йўналишлари ва ўқув аудиторияларидаги машғулотлар сифатини баҳолаш жараёнини назорат қилиш учун мақсадида видеокузатув мосламаларини ўрнатиш. | 2023 йил давомида | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор, режа- молия бўлими, бош ҳисобчи, РТТМ бошлиғи |
| **Ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш соҳасида** | | | | |
| 41. | Университет жамоаси ва талабалар ўртасидаги | 1. Ўрганиш саволномасини ишлаб чиқиш; | Ҳар чоракда | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ижтимоий-маънавий муҳит соғломлаштиришни доимий ўрганиб бориш | 2. Саволнома асосида ўқув йилида 2 марта ўрганиш ва натижаси юзасидан университет кенгашида ҳисобот бериш;<br>Ўрганиш натижалари юзасидан профилактик ишларни янада кучайтириш. | | ишлар бўйича биринчи проректор,<br>Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” бўлими,<br>Хотин-қизлар кенгаши раиси, университет психологи ва факультет деканлари |
| 42. | Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар билан амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини янада ошириш | 1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар бўйича талабалар балансини шакллантириш;<br>2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга яратилаётган шароитлар тўғрисида “талабабай” тарзда ҳар бир талабага етказиш;<br>3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сонли қарори, “Қизлар учун махсус стипендия” ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари бўйича талаба-қизларга тарғибот ишларини олиб бориш;<br>4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни моддий рағбатлантириш, бандлигини таъминлаш ва университетда ўтказиладиган тадбирларга жалб этиш. | 2023 йил январь<br><br>Ҳар чоракда бир марта<br><br>Режага асосан<br><br>Режага асосан | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор,<br>ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, университет ёшлар етакчиси ва факультет деканлари |
| 43. | Талабанинг ижтимоий фаоллигини ҳар семестрда баҳолаб бориш учун жорий этилган “Талабаларнинг | 1. “Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги индекси” бўйича университет Низомини тасдиқлаш; | 2023 йил, январь | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ижтимоий фаоллиги индекси”ни доимий мониторингини олиб бориш | 2. “Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги индекси” бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш;<br>3. “Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги индекси” бўйича “талабабай” тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>4. “Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги индекси” бўйича талабаларни моддий рағбатлантириш | 2023 йил февраль<br><br>Ўқув семестри якунларидан сўнг | ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, университет ёшлар етакчиси ва факультет деканлари |
| 44. | Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли ёшларни фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини янада ошириш мақсадида тизимли равишда кўрик-танловлар, спорт мусобқалари, фестиваллар ва ёшлар форумларини ўтказиш. | 1. “Талабалар фестивали”, “Талабалар баҳори” фестивали, “Интеллектуал олимпиада” “Заковат”, “Йил талабаси”, “Энг яхши талаба”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Талабалар театр студиялари” кўрик танловларини ўтказиш;<br>2. Спорт турлари бўйича “Ректор кубоги”, “Декан кубоги”, “Саломатлик куни”, “Соғлиқ учун 5000 қадам”, “Янги нафас” мусобақаларини ўтказиш.<br>3. Компьютер саводхонлигини янада ошириш мақсадида “Ахборот технологиялари билимдони” кўрик-танловини ўтказиш ва талабаларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳаларида фаол иштирокини таъминлаш.<br>4. “Маърифат майдони” кўрик-танлови, “Энг яхши китобхон талаба”, “Энг фаол китобхон” танловлар ҳамда Китобҳонлар ҳафталиги тадбирларини ўтказиш; | Ўқув йили давомида | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор,<br>ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, Талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими, университет ёшлар етакчиси ва факультет деканлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Меҳнат ярмаркаларини ўтказиш ва талабаларни ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатларини ташкил этиш. | | |
| 45. | Ижарада яшовчи талабалар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш. | 1. Ижарада яшовчиларни рўйхатини шакллантириш ва HEMIS ахборот тизимида манзилини жойлаштириш ва доимий монтиронг қилиб бориш.<br>2. Ижара хонадон эгаси, талабанинг яшаш шароити бўйича доимий монтиронг ишларини олиб бориш;<br>3. Ижара хонадон жойлашган МФЙ ва профилактика инспектори билан амалий ҳамкорлик қилиш. | Ўқув йили давомида | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, Талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими, университет ёшлар етакчиси, факультет деканлари ва тюторлар |

**Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор** **П.Отақулов**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Р.Шукуров**

**Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор** **И.Зокиров**

**Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор** **А.Ўринов**

**Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор** **Д.Дармонов**